| **Транспорт турлари** | **Ташилган йўловчиларнинг солиштирма оғирлиги (% да)** | | | **Ташилган юкларнинг солиштирма оғирлиги (%)** | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | **2018 йил** | **2023 йил** | **Ўзгариш -лар (+;-)** | **2018 йил** | **2023 йил** | **Ўзгар-ишлар (+;-)** |
| **Жами** | **100** | **100** | | **100** | **100** | |
| Темир йўл | 0,4 | 0,2 | 0,2 | 5,5 | 5,1 | -0,4 |
| Автомобиль | 98,3 | 97,2 | 1,2 | 88,7 | 90,7 | 2,0 |
| Троллейбус | 0 | 0,0 | -0,0 | | | |
| Трамвай | 0,1 | 0,1 | 0,0 | | | |
| Метрополитен | 1,2 | 2,5 | -1,4 | | | |
| Ҳаво йўли минг.т. | 0,0 | 0,1 | -0,0 | 1,1 | 0,6 | -0,4 |
| Қувур йўли минг.т-км | | | | 5,8 | 4,2 | -1,7 |

Автомобиль йўллари орқали керакли ҳудудларга етиб бориш имкони бор. Темир йўл орқали йирик корхона ва ташкилотларга “эшикдан эшиккача” тизими ривожланмаган, анклав ҳудудларга темир йўл излари етиб бормаган. Темир йўл излари “келиш – кетиш” тизимига мослаштирилмаган. Бир вагон келаётса иккинчиси жадвал бўйича ўтиш навбатини кутади. Ҳудудлардаги темир йўл парклари майдони кичик, локомотивларнинг 80 фоизи маънавий ва жисмоний эскирган. Платформалар ихтисослаштирилмаган. Вокзаллар ҳудуди замонавий талаблар асосида жиҳозланмаган. Электрон (поездларнинг келиши ва кетиши, қаерда келаётганлигини, бўш ўринлари, чипталар нархи, ҳаракатланиш тезлиги, манзилга етиб боришини кўрсатувчи табло, юкларни сақлаш, етказиб бериш, вокзалларда чипталарни электрон расмийлаштириш тизими ишламайди. Темир йўллар шаҳар ҳудудида жойлашиб, ҳудудий режалаштирилган. Масалан, Фарғона шаҳри ва яқин атрофдаги барча туманлар Марғилон темир йўл вокзалидан керакли йўналишга жўнайдилар. Темир йўлларда тармоқланиш йўқ. Темир йўл вокзалида замонавий сервис хизматлари йўқ. Айрим ҳолларда поездни келишини кутиб кўчаларда тўшак солиб ўтирган одамларга кўзинг тушади. Товарларни олиб кетиш тизими ҳам ривожланмаган. Ҳудудга кириш катта автомобиллар учун ноқулай. Автомобиль буюртмаси билан мижознинг ўзи шуғулланади. Анклав ҳудудларга темир йўл хизматлари етиб бормаган.

[1] Stat.uz. маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Темир йўл хизматларини ташкил этишда қамров ҳолати пастлиги билан бир вақтда йўловчи вагонларнинг эскириш даражаси ҳам юқоридир («2-жадвалга қаранг”).

**2-жадвал.**

**Йўловчи вагонларнинг хизмат муддати таркиби**[1]

| **Хизмат муддати** | **Сони, дона** | **Улуши %** |
|---|---|---|
| 29 йилдан ортиқ | 469 | 62,8 |
| 21 дан 28 йилгача | 31 | 4,1 |
| 11 дан 20 йилгача | 40 | 5,4 |
| 10 йилгача | 207 | 27,7 |
| Жами: | 747 | 100 |

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ провайдерлари 2 PL даражада ишлайдилар. Буюртмачидан юкни темир йўл вокзалида қабул қилиб олиб, кейинги белгиланган темир йўл вокзалига етказиб бериш билан фаолиятлари тугайди. Ривожланган давлатлар 3PL даражада ишламоқда. Хитой, Япония, АҚШ 4 PL даражада хизмат кўрсатмоқда. Бу дегани юкни махсус экспедитор “эшикдан-эшиккача” белгиланган вақтда етказиб беради. Махсус JPC технологиялари орқали мижозга юкни кузатиши мумкин. Юклаш, тушириш, ҳужжатларни расмийлаштириш, қадоқлаш, сақлаш, қўшимча транспортни ёллаш каби барча вазифалар темир йўл оператори бажаради. Темир йўлларда радиоалоқа, WiFi, интернет тизими талабга жавоб бермайди. Темир йўлларнинг 38 фоизи электрлаштирилган. Бу кўрсаткич бўйича Хитойдан 29%, Франция, Германиядан 15% орқада. Магистраль йўлларнинг умумий узунлиги 6118,3 км бўлиб, шундан 2531 км[2] магистраль темир йўлларга оптик толали симлар тортилган. 41,4 % темир йўллар оптик толали симларга уланган, яна 58,6% йўлларга оптик тола ўтказиш керак бўлади. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖга инвестиция киритиш жуда паст («1-расмга қаранг).




**1-расм. Ўзбекистон Республикаси темир йўлларига киритилган инвестициялар**[3]**.**

Темир йўл хизматларидан тушаётган асосий даромадлар номоддий активларни сақлаш учун сарф қилинган. “Қорабайр” от комплекси, Қўқон темир йўл техникуми, Тошкент темир йўл техникуми, темир йўлчилар маданият саройи, соғлиқни сақлаш комплекслари, поликниника, дам олиш масканлари, боллар касалхонаси, соғломлаштириш спорт клублари ва бошқа шу каби “Ўзбекистон темир йўллари”

[1] “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ нинг маълумотлари асосида тузилган.
[2] Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2023 йил “Бизнес режа” маълумотларидан олинган.
[3] стат.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.[Электрон манбаа]: https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/services-2

АЖнинг чиқимлари даромадларига нисбатан ошиб кетган. Темир йўл хизматларидан тушаётган даромадлар кўпроқ носоҳавий тармоқларга сарфланаётганлиги ҳам соҳани оқсашига сабаб бўлмоқда. Натижада бир неча йиллар давомида дивидентлар ҳисоби чиқмаган.

Ушбу ҳолат бўйича темир йўлларнинг қамрови ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, шу жумладан темир йўл хизматларини тўлиқ рақамли трансформациялаш[1] заруратини келиб чиқиб, темир йўл хизматлари бошқарувида рақамли трансформациялашни жорий этиш модели ишлаб чиқилди ( “3-жадвалга қаранг”).

**3-жадвал.**

**“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АЖНИНГ 2030 ЙИЛГА ҚАДАР РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ.**

<table>
<tr><th colspan="5">БИЗНЕСНИ ТАШКИЛ ЭТИШ</th></tr>
<tr><th colspan="4">ҲАМКОРЛИК ҚИЛАДИ</th><th>ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ</th></tr>
<tr><td>1. Давлат билан ДХШ асосида</td><td colspan="3">4. Илмий тадқиқот институтлари.</td><td rowspan="3">1. Йўловчиларни манзилига етказади<br><br>2. Юкларни етказиб бериш билан шуғулланади<br>3.Буюртмачилар талабига қараб темир йўл хизматларини ташкил этади</td></tr>
<tr><td>2.Халқаро даражадаги келишувлар, лойиҳалар асосида иттифоқ, ташкилотлар билан</td><td colspan="3">5. Ишлаб чиқариш ва ундирувчи саноат билан<br>6. Логистикага алоқадор барча транспорт ташкилотлари билан</td></tr>
<tr><td>3.Тадбиркорлик субъектлари билан</td><td colspan="3">7. IT технология бўйича ҳакорлик<br>8. Турли фондлар билан.</td></tr>
<tr><th colspan="5">“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АЖ РЕФОРМАСИ НАТИЖАСИДА КОМПАНИЯЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ</th></tr>
<tr><td>“Темир йўл инфратузилма” АЖ</td><td>“Темирйўл карго” АЖ</td><td>“Темирйўл экспресс” АЖ</td><td>“Ўзтемирйўлйўловчи” АЖ ва унинг қошида Темир йўл вокзаллари. Шаҳар атрофида йўловчи ташиш.</td><td>“Темир йўл ижтимоий хизматлар”АЖ</td></tr>
<tr><th colspan="5">РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ</th></tr>
<tr><td>Рақамли технологиялар асосида ақилли депо лойиҳасини ишга тушириш (рақамли сервис)<br>ETCS – стандартларидан фойдаланиш..</td><td>SCM (Supply Chain Management ), CRM жорий этиш “Ягона контейнер платформасини яратиш ва Containers. Guidera аъзо бўлиш<br>Халқаро CargoSmart блокчайн технологиясига уланиш</td><td>3D форматдаги харитани “бирга–бир” яратиш<br><br>Поездларни масофадан бошқариш<br><br>Вертуал воқейлик асосида тезюрар поездларнинг машинистларини</td><td>MaaS, Mobility-as-a-Service-дастурини жорий этиш<br>Йўловчиларни яшил каридордан тўсиқсиз ўтиш тизимини жорий этиш<br>Omio (https://www.omio. Ru) Европа корпорацияси тажрибасидан фойдаланиш</td><td>Хўжалик ҳисобига ўтказиш<br>Холдинг компанияси ходимлари билан боғлиқ хизматлардан фойдаланишни рақамли сунъий интеллект ёрдамида амалга ошириш. Ходим</td></tr>
</table>

[1] Муаллиф томонидан берилган таклиф. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон-2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-300-сонли қарори- 53-мақсаднинг 19-бандини 5-амалий чора-тадбирига киритилган.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| GSM-R ни қўллаш<br><br>ERTMS-рақамлаш-тириш тажрибасини қўллаш<br>ATO тизимни қўллаш | 3 ва 4PL(Fourth Party Logistics) даражасида хизмат кўрсатиш<br><br>SAP Advanced Planner & Optimizer (APO) қўллаш | тайёрлаш ва синовдан ўтказиш.<br><br>Тезюрар экпресс поездлар сонини кўпайтириш 24 соат ишлашини таъминлаш | Вокзалларда чипталарни сотиш ва сотиб олиш, қизиқтирган саволларга жавоб топа олиш, оператор билан боғланиш имкони берувчи компьютер, алоқа қурилмалар билан жиҳозлаш | тўғрисидаги барча керакли параметрларни дастурга киритиш орқали мақсадга эришиш. |

Ҳамда ушбу механизм асосида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖда рақамли трансформациялашни амалга ошириш усули ишлаб чиқилди (“4-жадвалга қаранг”).

**4-жадвал**

**«Ўзбекистон темир йўллари” АЖни трансформациясини амалга ошириш модели**

| **1-босқич** | **Ахборот тизимларини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш** | |
|---|---|---|
| **Амалга ошириладиган вазифалар:** | | |
| 1 | Рақамли техноло-гиялар соҳасидаги билимлар базасини шаклланти риш. | Бунда ходимларни компания стратегисидаги вазифаларини тўлиқ тушинтириш ва рақамли технологияларни ишлаштиш кўникмаларини шакллантириш. Рақамли технологияларни ўргатиш ва тадбиқ этиш юзасидан тажриба-синов майдони сифатида, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг рақамли клонини яратиш. Рақамли технологиялар бўйича малака ошириш тизими ва таълим муассасалари амалиётини “Ўзбекистон темир йўллари” АЖга тегишли рақамли технологиялар тажриба-синов майдонларида ўтказишни таъминалаш. |
| 2 | Юк ташишни тизимини ягона операторга бириктириш орқали ягона ахборот маконини яратиш. Ягона йирик масштабли 3PL(Third Party Logistics ) ва боқичма–босқич 4PL провайдерини фаолиятини фаоллаштириш билан рақамли темир йўл хабини яратиш. | 3PL-Етказиб бериш буюртмларини бошқаради, яъни маҳсулотларни қабул қилиб олиш, сақлаш ва белгиланган жойга етказиб беради. 4PL-аутсорсинг компанияларини жалб қилгани ҳолда буюртмачи компаниянинг логистикасини бошқаради. Ҳар иккисида ҳам темир йўл хаби керак. Бу фаолият эркинлигини таъминлайди. Хизматлар рақобатбардошлигини оширади. |
| 3 | CDTO (Chief Digital Transformation Officer) ҳамда CDO (англ. Chief data officer) –“Ўзбекистон темир йўллари” АЖда рақамли трансформация, холдинг компаняисининг рақамли стратегиясини амалга оширувчи мутахассларини жалб қилиш керак. | CDTO-трансформациялаш бўйича бош директор ҳисобланади. CDO-интернет маркетинг, ижтимоий–медиа, электрон тижорат, бизнес транзакцияси, рақамли савдо тармоқларини ривожлантиради. Ҳар иккиси халқаро компанияларда ишлаб етарли тажрибага эга бўлиши лозим. Доимий ишловчи оператив трансформация штаби фаолиятини ташкил этиш. |
| 4 | E2E-бизнес йўналишини ва мижозлар билан ишлаш CRM, | “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ истеъмолчи каналини ташкил этувчи |

| | | |
|---|---|---|
| | SAP, АТО дастурини ишга тушириш. Big data, blockchain, виртуал технологияларидан фойдаланиш. Инсон эҳтиёжидан келиб чиқиб компьютер интерфайсларини такомиллаштириш. B2C. | тадбиркорлик объектлри хизматидан фойдаланади. Мазкур суъектлар истеъмолчи ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ўртасидаги сунъий интеллект орқали мулоқот, олди-сотди механизмини таъминлайдилар. |
| 5 | “Ўзбекистон темир йўллари” АЖда рақамли платформаларни қайерда ва қандай ташкил этиш мумкинлигини чуқур таҳлилдан ўтказиш асисида трансформациялашни амалда қўллаш. | |
| 6 | “Рақамли трансформациялаш йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш. | “Ўзбекистон темир йўллари” АЖни босқичма-босқич рақамлаштириш юзасидан “Йўл харитаси” ишлаб чиқилади. |
| 7 | Рақамли радиоалоқа, 5G интернет, WiFi нинг узликсиз тизимини, ҳавфсизлик (кибр, авария), тизимларини ишлашини таъминлаш | |
| 8 | Халқаро темир йўл иттифоқи (МСЖД), Ҳалқаро темир йўллар ҳамкорлиги ташкилоти (ОСЖД) операторалар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш. | |
| **2-босқич** | **Истеъмолчиларга хизмат кўрсатишнинг рақамли трансформациялаш асосида рақамли хизматларни кучайтириш.** | |
| **Рақамли трансформациялаш темир йўлларда етти йўналишда амалга оширилади** | | |
| 1.Мультимодал йўловчи ташиш платформаси.<br>2.Мультимодал юк ташиш платформаси.<br>3.Транспорт-логистика маркази платформаси.<br>4. Инфратузилма платформаси.<br>5.Юкларни етказиб бериш жараёнларини бошқариш платформаси.<br>6.Ташиш жараёнида иштирок этмайдиган платформа.<br>7.Харакат таркиби платформаси. | | |
| **Мультимодал йўловчи ташиш платформаси трансформацияси** | | |
| 1. | “Ўзбекистон темир йўллари “ АЖ транспорт вазирлиги билан келишган ҳолда барча йўловчи ташиш тизимидаги транспорт воситалари билан ҳамкорлик шартномасини тузиш. Мақсад. Турли транспорт воситаларидан фойдаланиб йўловчи белгиланган манзилга етиб бориши таъминланади. | |
| 2. | Йўловчининг манзили ва мақсадидан келиб чиқиб барча транспорт тизимларидан фойдаланиш учун ягона чипта сиёсатини ишлаб чиқиш. Транспорт вазирлиги билан ҳамкорлигида. Шунингдек, чиптага мижознинг хоҳшига кўра овқатланиш менюси, хоҳлаган суғурта полисини танлаш, етиб борадиган манзилида исталган меҳмонхонани брон қилиш, сайёҳат мақсадида бўлса исталган музей ва драмтеатрларга кириш имкониятларигача имтиёзли тарзда иловага киритилиши мақсадга мувофиқ. Omio (https://www.omio. Ru) Европа корпорацияси тажрибасидан фойдаланиш | |
| 3. | Хизматларнинг ягона таъриф сеткасини ишлаб чиқиш ва чипталарни электрон сотиш тизимини вокзаллар ва мобил алоқалар орқали сотиб олиш имокониятларини ошириш. Мижоз борадиган манзил ёки худуднинг сайёхат картасини ҳамда исталган темир йўл вокзали сервис хизматлари харитасини бепул юклаб олиш имкониятини бериш. | |
| 4. | Мижозларни вокзаллар ҳудудида бепул Wi-Fi дан фойдаланиш имкониятини бериш | |

| | | |
|---|---|---|
| 5. | Темир йўл вокзалидаги мавжуд йўловчиларни вокзал ичидаги хизматлардан қайерда жойлашганини кўрсатувчи харита, реклама таблосини ўрнатиш. | |
| 6. | Темир йўл вокзалларида поездларнинг келиш-кетиши, тўхташ вақти, вагонларни туриш жойи, бўш ўринлар, мавжуд чипталар сони каби маълумотлар таблосини ўрнатиш. | |
| 7. | Поездлардан тушаётган ва чиқаётганларни кузатиш имкониятини берувчи катта TV экран | |
| 8. | Вокзалларда чипталарни сотиш ва сотиб олиш, қизиқтирган саволларга жавоб топа олиш, оператор билан боғланиш имкони берувчи компьютер, алоқа қурилмалар билан жиҳозлаш | |
| **Мультимодал юк ташиш платформаси трансформацияси** | | |
| 1. | Юкни кузатиш, юк ташиш, юкни сақлаш, етказиб бериш, божхонадан расмийлаштириш, йўл варақаларини бериш, счет фактура, накладной, шартнома, буюртма ва бошқа барча қоғоз ишлари белгиланган стандартлар бўйича ягона стандартга келтирилган ҳолда тўлиқ рақамлаштирилиши,бунда сунъий интеллекдан фойдаланиш тизимини йўлга қўйиш керак. | |
| 2. | Халқаро темир йўл йўлакларининг ўтказувчанглиги таъминлаш мақсадида. Ички ташувларни ҳам мувофиқлаштириш. “Ўзбекистон темир йўллари”АЖ ягона дарча программасига улаб, тизимни назорат қиладиган ва тизимлар фаолиятини тартибга келтириб турадиган мега тизимини ишга тушириш зарур. | |
| 3. | Юк ташиш тизимида юкларни ортиш, тушириш, жойлаш, ўлчаш, тортиш, саканерлаш каби тизимларни замонавий технологияларни қўллаган ҳолда тўлиқ автоматлаштириш тизимидан трансформациялашга ўтиш. | |
| 4. | Мультимодал юк ташиш платформасига инновацион технологияларни сотиб олишга махсус фонд, давлат хусусий шерикчилиги, акселераторлар ҳамда юк ташишда имтиёз бериш шарти билан узоқ муддати ҳамкорлар орқали лойиҳа ва харакат дастурини ишлаб чиқиш керак. | |
| 5. | Юкларни спутник тизими орқали кузатиш имконини берувчи технологияларни жорий этиш. | |
| 6. | SCM (Supply Chain Management ) дастуридан самарали фойдаланиш. Юкларнинг ҳаракатланишини тўлиқ назорат қилишни таъминлайди. | |
| **Транспорт-логистика маркази платформаси трансформацияси** | | |
| 1. | Блокчайен технологияларни смарт-контракт ва нейтрон тизимлар билан биргаликда ишлашини таъминлаш. Vostok (https://www.vostokplatform.org) блокчайн платформаси билан ҳамкорлик қилиш. | Локоматив паркидан маълумотларни йиғиш, сақлаш, текшириш ва таҳлил қилиш, алмашиш иконини беради. Суғурталаш тизимини ҳам блокчайн технологиясига ўтказиш. Юкларни кузатиш имконини беради. |
| 2. | Рақамли аутсорсингни ривожлантириш | Ташқаридан прфессонал компаниялар хизматларидан фойдаланиш мақсадида маълумотларини рақамли платформага киритиш. |
| 3. | Замонавий WEB2 дастурида ихтиссослашган сайтларни яратиш асосида логистика платформасидаги майдонлар савдосини ташкил этиш | Ушбу дастурга асосан транспорт логистика платформаларни онлайн брон қилиш асосида фойдаланиш йўлга қўйилади. |
| 4. | “Ўзбекистон темир йўллари” АЖни ягона контейнер платформасини яратиш ва дунёдаги ягона конейнер платформа | Дунёнинг ҳохлаган нуқтасидан контейнер сотиб олиш ва сотиш имкониятидан фойдаланиш |

| | | |
|---|---|---|
| | (Containers.Guide (https://containers.guide)) га боғланишни амалга ошириш | мумкин бўлади. Ушбу платформадан Ўзбекистон ҳудуди учун контейнер платформасини яратиш. |
| 5. | “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан транзит ва экспорт-импорт юкларини етказиб беришни сотиб олиш электрон савдо майдонини яратиш керак | Бунда буюртмачи юклари, манзили тўғрисидаги маълумотларни жойлаштиради. Буюртмачи етказиб бериш компаниясини ўзи танлайди. Етказиб беришда рақобат шаклланади. |
| 6. | Халқаро CargoSmart (https://www.cargosmart.com) блокчайн технологиясига уланиш ва ушуб технология тажрибасини “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ да қўллаш | Божхона, буюртмачилар, турли транспорт ташкилотлари, логистика тизимидаги барча ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаш тизимидир. |
| 7. | Темир йўл поездларини хайдовчисиз рақамли бошқарувга ўтказиш | Буюк Британия, АҚШ, Германия, Испания, Япония, Малайзия, Россия давлатларида қўлланилмоқда. |
| **Инфратузилма платформасини трансформациялаш** | | |
| 1. | Темир йўл излари, электр таъминоти, электр алоқа, автомат, телемеханика, туннел, мостлар, темир йўл бинолари, вокзаллар, ускуна ва жиҳозларии тўлиқ электрон рақамли тизимга киритиш. | |
| 2. | Темир йўл инфратузилмасини оптик толали, сенсорли кузатув камералари билан таъминлаш, инфратузилмадаги носозликларни вақтида бартараф этиш | |
| 3. | Темир йўл излари ётқизилган тупроқларни емирилиши, сейсмик чидамлиги, ёнғин хавфсизлиги, темир йўл изларининг деформацияси, тунелл конструкциясидаги ўзгаришлар тўғрисида огоҳлантирувчи рақамли рдаиоалоқа сигналлар ўрнатиш. | |
| 4. | Темир йўл атрофидаги қурилишларнни темир йўлга таъсирини аниқлаш. Янги қурилиш объектлари қурилиши юзасидан маълумотларни темир йўл компаниясини огоҳлантирувчи келишув шартномаларини рақамлаштириш. | |
| 5. | Инфратузилмага техник хизмат кўрсатиш, натижалар, ўтказиш муддати, жорий ва капитал таъмирлаш каби маълумотларни платформага вақтида киритиб бориш асосида мониторинг тизимини рақамлаштириш. | |
| 6. | Инфратузилмани тўлиқ трансформацияси, йўналишга таалуқли барча техник меъёерларни тизимга киритиш, солиштириш ва визуал хулоса бериш билан таъминаланади | |
| 7. | Темир йўл инфратузилмасидан фойдаланиш ҳуқуқига махсус лицензия жорий этиш асосида хусусий операторлар иштирокини таъминлаш. Бу инфтратузилмадан фойдаланишда рақбоатни келтириб чиқаради. Юқори рейтингга эга бўлган операторлар инфратузилмадан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритадилар. | |
| 8. | Ўзбекистонда халқаро темир йўл йўлакларининг очилиши темир йўл инфратузилмасига бўлган талабни бир неча мартага ортиши мумкинлигни инобатга олган ҳолда, бу соҳага инвестиция киритадиганлар сони ҳам ортиши кутилади. Шу сабабли инфратузилма ривожлантириш юзасидан турли лойиҳалар танловини ташкил этиш орқали инвестиция ошириш ҳамда инфратузилмани ривожлантириш мумкин. | |
| 9. | Инфратузилма оператори фаолиятини тўлиқ рақамли фаолиятга ўтказиш. | |

| | |
|---|---|
| **Юкларни етказиб бериш жараёнларини бошқариш платформаси трансформацияси.** | |
| 1. | Юкларни ташиш, ташига тайёрлаш, ҳаракатланувчи таркибни етказиб бериш, ҳужжатларни расмийлаштириш, топшириш,қабул қилиш жараёнларида тўлиқ рақамли технологиялардан фойдаланиш асосида бошқариш платформасини трансформация қилиш. Анбалдингни амалга ошириш ва ўзаро интеграциялаш. |
| 2. | 3 ва 4PL(Fourth Party Logistics)- барча турдаги траспорт турларини ҳамда юк ташиш билан боғлиқ бўлган тизимларни ягона рақамли ҳамкорлик тизимини йўлга қўйиш. Бунинг учун ҳукуматга таклиф билан мурожаат этиш лозим. |
| **Ташиш жараёнида иштирок этмайдиган платформасини трансформацияси.** | |
| 1. | Ҳужжатлар айланишини тўлиқ рақамлаштириш |
| 2. | Ходимларни ишга олиш, малакасини ошириш, ишдан бўшатиш, сафарга жўнатиш, буйруқ билан таништириш ва ходимга боғлиқ барча хужжат ишларини, KPI, HRни тўлиқ рақамлаштириш. |
| 3. | Бошқарув тизимида ERP дастурини жорий этиш. |
| 4. | “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ хуқуқий маслаҳатларни ҳам тўлиқ сунъий интеллектга ўтказиш. Бунга Россиядаги халқ банки мисол бўлади. Хуқуқшунос хизматидан тўлиқ воз кечиган. Ҳамма функциялар сунъий интеллектга ўтказилган. |
| 5. | Бэк офис, фронт офис, мидл офис, офис менежер, сеньор офис каби мансаб ваколатларини киритиш зарур. |
| **Ҳаракат таркиби платформасини трансформациялаш.** | |
| 1. | Локоматив платформасини бошқаришни ягона рақамли корпоратив тизимга солиш. |
| 2. | Платформа иш режаларини тўлиқ дастурга киритиш билан ҳар бир тизим фаолиятини рақамли оператив назорат қилиш имокни пайдо бўлади. |
| 3. | Диспечерлик хизматини тўлиқ рақамлаштириш. Блокчайн технологияларидан самарали фойдаланиш асосида ақилли платформа лойиҳасини ишга тушириш. |
| 4. | Локамативларга хизмат кўрсатиш компаниялари билан смарт алоқаларни мустаҳкамлаш. |
| 5. | Локаматив бўлимлари фаолиятинирақамли режалаштириш, топшириқларни рақамли алоқа воситалари орқали жўнатиш. |
| 6. | Босқичма-босқич ақилли платформа лойиҳасига сунъий интеллект, ақилли ёрдамчини киритиш орқали тизимини мониторинг қилади, бошқарув тизимидаги муаммаолар, бажарилиши керак бўлган ишлар, тизимдаги носозликлар, тўғрисдаги маълумотларни депо бошқармасига етказиб туради. Минимал даражаси машинистга ёрдамчи бўлса, максимал даражаси диспечер ва бошқарув тизимига ёрдамчидир. |
| **3 босқич** | **Темир йўл саноатини ривожлантириш “Саноат 4.0” га ўтиш.** |
| “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тўлиқ модификацияланадаи. Барча тизимлар ягона рақамли бошқарувга инсон учун ёрдамчи сунъий интеллект назоратига ўтади. Темир йўл изларини ишлаб чиқаришнинг янги технологиялари, вагон, контейнерлар, уларнинг эҳтиёт қисимларини ишлаб чиқарувчи смарт заводлар, темир йўллар учун махсус булутли технологияларда ишловчи мегаполислар вужудга келади. Замонавий, автомобиль йўлига, пиёдалар харакатига халакит бермаган ҳолда хавфсиз темир йўл излари ётқизилади. Темир йўл вагонлари муқобил энергиядан фойдаланади. Поездларнинг тезлиги тайёрагоҳлар тезлигига яқинлашади. Фанда катта ўзгаришлар амалга ошади. Янги темир йўлларни робототехника ёрдамида бошқариш, факультетларида темир йўлларда рақамли | |

хизматларни бошқаришга оида замонавий фанлар, виртуал ўқув комплекслари, машқ майдонлари яратилади. Темир йўлларда Япония, Хитой каби давлатлар лидерлик қиладилар. Бугунги кунда ҳам ушбу давлатларнинг тажрибалари, саноатини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

**Хулоса.** Албатта ушбу ишлаб чиқилган трансформация жараёнларини таъминлаш инвестиция талаб қилади. Ҳар бир йўналиш ўзининг юксак маҳоратли менежери қўлида бўлса, рақамли трансформациялашнинг амалга оширилиши "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, қолаверса мамлакат иқтисодиётини келажакдаги рақобатбардошлигини, Ўзбекистон учун янги экспорт бозорларини очиш имкони, ички ҳалқ хўжалиги тармоқларининг интергациясини таъминлайди.

"Темир йўлларнинг қамрови ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, шу жумладан темир йўл хизматларини тўлиқ рақамли трансформациялаш"[1]ни замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

## Адабиётлар/Литература/ References:


1. Ш.М.Мирзиёв. Темир йўл соҳасини ислоҳ қилиш бўйича таклифлар кўриб чиқилди. [Электрон манбаа]: https://president.uz/uz/lists/view/6692.
2. Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. М., 1997.
3. Платонова Е. Экономические системы и их трансформация // Мировая экономика и международные отношения. 1998. № 7. С.8-9
4. Тоффлер Э. Третья волна / пер. с англ. М., 2002. С.421-422.
5. I.G. Golovtsova, M.U. Suchkova. ЦИФРОВАЯ трансформация сферы услуг в новых условия. Ж.: Технико-технологические проблемы сервиса №4(54) 2020. С-81-86
6. М.Ш.Болтабоева . Хизматлар соҳасини рақамли иқтисодиёт шароитида ривожлантириш имкониятлари. "Саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг рақамли трансформацияси: тенденциялар, бошқарув, стратегиялар" Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами 2022 йил 2-3 март. -Б. 61-66.


[1] Муаллиф томонидан киритилган таклиф. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги "Ўзбекистон-2030" стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-300-сонли қарори- 53-мақсаднинг 19-бандини 5-амалий чора-тадбири.

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SPR1342V4I3Y2024

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 3 (4) – 2024*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари"** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: "SCIENCEPROBLEMS TEAM" масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).